

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАДАБАЕВА ШИРИН ШУХРАТОВНА

**ТИЛДА ҚИЁСЛАШ МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛАШНИНГ
ТИЗИМЛИ ТАДҚИҚИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 81'1:811.512.133
81'1:811.1111

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Дадабаева Ширин Шухратовна

Тилда қиёслаш муносабатини ифодалашнинг тизимли тадқиқи..... **3**

Dadabayeva Shirin Shuhratovna

Systematic study of the expression of comparative relation in language. **25**

Дадабаева Ширин Шухратовна

Системное изучение выражения сравнительных отношений в
языке **45**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ **49**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАДАБАЕВА ШИРИН ШУХРАТОВНА

**ТИЛДА ҚИЁСЛАШ МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛАШНИНГ
ТИЗИМЛИ ТАДҚИҚИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3PhD/Fil2696 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-саҳифаси www.fdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамажонов Алижон
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳошимов Ғанижон Мирзааҳмедович
филология фанлари доктори, профессор

Исақов Зокиржон Солдиевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «19» ноябрь 2022 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Б.Марғинович кўчаси, 105 уй. Тел.: (99873) 244-57-82; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (сврақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «17» ноябрь даги 62 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Р.Умарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.М.Улуқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни мураккаб система сифатида ўрганиш, барча тил бирликларини шакл ва мазмун, улар орасидаги ўзаро муносабатлар асосида таҳлил қилиш унинг синтактик, семиотик ҳамда прагматик табиати ва нутқдаги аҳамиятини янада чуқур ўрганиш муҳим. Айнан турли муносабатларни ифодаловчи лисоний воситаларни тадқиқ этиш тилшуносликда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, хусусан, қиёслаш муносабатини ифодаловчи лисоний воситаларини бир семантик гуруҳга бирлаштирган ҳолда, маълум бир тизим асосида ёритиш тилнинг систем-структур табиатини кўрсатишга имкон яратади.

Дунё тилшунослигида қиёслаш муносабати бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Дастлабки олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили натижасида қиёслаш муносабатига тарихан ёндашилган, билиш жараёнининг энг муҳим усулларида бири, фалсафий-мантқий категория эканлиги кўрсатилган. Кейинчалик тилшуносликда структурализмнинг пайдо бўлиши қиёслаш муносабатини ўрганишнинг янгича тус олишига сабаб бўлди. Шу тариқа қиёслаш муносабатини ўрганишдаги ўзгача ёндашувда асосий эътибор унинг семантик жараёнини ўрганиш, унинг воситаларини таҳлил қилиш ва тадқиқ этишга қаратилди. Бундан ташқари, ушбу муносабатнинг бир неча унсурлардан ташкил топганлигини аниқлаш унинг турли тил бирликларида ўзига хос тарзда ифодаланишини ўрганишга тўртки бўлди. Хусусан, қиёслаш муносабатининг тилда турли лисоний воситалар ёрдамида воқеланиши уларнинг ўзига хос тизимга эга эканлигини аниқлашга ва уларнинг лингвокультурологик-стилистик хусусиятларини очиқ беришга зарурат туғдирди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва маданий ислохотлар барча фанлар қатори ўзбек тилшунослигида ҳам илмий тадқиқотлар сонининг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда таъкидлаганидек “ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий таракқиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш”¹ муҳимдир. Ўзбек тилшунослигида лисоний бирликларнинг мазмуний томонига эътибор янада кучайиб, қиёслаш муносабатини ифодаловчи воситаларни маълум бир тизим сифатида ўрганишда, унинг нафақат мазмуний, балки маданий томонига ҳамда нутқда ифодаланиш ҳолатига эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрда кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон Фармони, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-ozbek-tiliga-davlat-tili-maqomi-berilganining-ottiz-jilligiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>.21.10.2020.

тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4963-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Қиёслаш муносабати, дастлаб, мантиқ ва фалсафа каби соҳаларда ўрганилган. Билишнинг дастлабки босқичи ёки усули ҳисобланган ушбу тушунча инсон онгидаги когнитив жараён эканлиги таъкидланган. Тилшуносликда эса қиёслаш муносабатининг лисоний жараён сифатида тадқиқ этилиши XVIII асрдан бошланиб, XIX асрда структурализмнинг вужудга келиши сабабли, бу масалага қараш XX асрда янгича тус олган. Шу тарзда қиёслаш муносабатини шакллантирувчи воситалар ўрганила бошланган.

Жаҳон тилшунослигида қиёслаш муносабати ҳақида Х. Зимер, Х.Женсен, Л. Стассен, Р. Ултан, Б. Ҳайне, Р.Диксон, З.Ҳермен, К. Столз, П.Каззолин, К. Лехман, Л.Зелеалем, М. Ҳаспелмаз, Бухҳол, М. Горшенин, Ж.Бобалжик, Э. Коппок, П. Ҳанкелман, Т. Ювонне² каби олимлар илмий изланишлар олиб борган.

²Stassen L. Comparison and Universal Grammar. – Oxford: Basil Blackwell, 1985; Ultan. R. Some features of basic comparative constructions //Working Papers on Language Universals (Stanford), 1972, Vol 9. – P.117-162.; Dixon R. M. Comparative constructions: A cross-linguistic typology// Studies in Language 32, 2008, Vol 4. – P.787-817.; Dixon R.M. Basic Linguistic Theory. // Further Grammatical Topics, 2012, Vol 3.; Hermann Z. Vergleichende Syntax der indogermanischen Comparison insbesondere der Comparationscasus der indogermanischen Sprachen und sein Ersatz. – Berlin: Dümmler, 1884.; Hans J. Der steigernde Vergleich und sein sprachlicher Ausdruck // Indogermanische Forschungen, 1934, Vol 52. – P. 108-130.; Stolz Ch., Stolz T. Spanisch- amerindischer Sprachkontakt: Die ‘Hispanisierung’ mesoamerikanischer Komparationsstrukturen // Iberoamerica, 1995, Vol 2. – P.5-42.; Cuzzolin P., Lehmann Ch. Comparison and gradation. (Booij, Geert, Christian Lehmann, Joachim Mugdan & Stavros Skopeteas) // Morphologie. Ein internationales Handbuch zur Flexion und Wortbildung, Vol 17. – P.1857-1882.; Bernd H., Zelealem L. Comparative constructions in Africa: An areal dimension // Annual Publication in African Linguistics, 2003, Vol 1, – P. 47-68.; Gorshenin M. The crosslinguistics of the superlative. In: Stroh, Cornelia . – 2012. ; Neues aus der Bremer Linguistikwerkstatt: Aktuelle Themen und Projekte 31, Bochum: Brockmeyer – P.55-160.; Bobaljik J. Universals in Comparative Morphology: Suppletion, Superlatives, and the Structures of Words. – Cambridge, MA: MIT Press, 2012.; Fuchs C. La comparason et son expression en français. – Paris: Ophrys, 2014.; Coppock. E. Typological database of superlative constructions // The main issues of common linguistics, 2016, vol 3. – P. 6-12. Haspelmath M., Buchholz O. Equative and similitive constructions in the languages of Europe. In: Van der Auwera, Johan (ed.), Adverbial Constructions in the Languages of

Рус тилшунослигида Ф.И.Буслаев, А.А.Потебня ва Л.И. Иванова³ каби тилшунослар турли тиллардаги ўзига хослик ва фарқларни аниқлаб, қиёслаш ҳодисасига тарихан ёндашганлар.

Ўзбек тилшунослигида эса Ғ.Абдурахмонов, А.Нурмонов, М.Мукаррамов, Н.Маҳмудов, А.Мамажонов, А.Абдуллаев, Д.Худойберганова, М. Ёўлдошев, Ш.Сафаров, Ғ.Қамбаров, З.Умуркулов кабилар ўз тадқиқотларида қиёслаш муносабати тўғрисидаги айрим фикрларини баён этган⁴. Аммо ушбу манбаларда қиёслаш муносабатининг турли тил сатҳларида, асосан, синтактик сатҳда ифодаланиши маълум бир тизим сифатида тадқиқ қилинмаган. Ушбу муносабатнинг лингвокультурологик-стилистик хусусиятларига аҳамият берилмаган, эътибор қаратилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг “Тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қиёслаш муносабатининг турли сатҳларда, асосан, синтактик сатҳда ифодаловчи лисоний воситаларни аниқлаш ва уларни турли тиллар мисолида таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қиёслаш муносабатининг универсал табиатини ёритиш, унинг турли лисоний бирликлар орқали ифодаланишини асослаш;

қиёслаш муносабатини лексик-морфологик ва синтактик воситалар мисолида таҳлил этиш, ҳар бир лисоний воситанинг шаклланиш жараёнини кузатиш ва унинг ифода воситасини аниқлаш;

қиёслаш муносабатининг мураккаб синтактик воситалар орқали намоён бўлишини мисоллар таҳлили асосида ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятини кўрсатиш;

Europe. – Berlin: Mouton de Gruyter 1998. – P. 277-334.; Henkelmann P. Constructions of equative comparison // Sprachtypologie und Universalienforschung , 2006, Vol 4. – P. 370-398.; Yvonne T, Vanhove M. (eds.) Similitive and Equative Constructions: A Crosslinguistic Perspective // Typological Studies in Language, 2017.

³ Потебня А. А. Из лекций по теории словесности. Басня. Пословица. Поговорка. - Харьков: Мирный труд, 1914. – С. 164. Қаранг: Николаева А. В. Функционально - семантическое поле компаративности в современном английском языке. Дис.док. филол. наук. –ростов-на- Дону, 2002. – С.11.

⁴ Абдурахмонов Ғ. Кўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент: Фан, 1958; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишининг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987; Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari. – Toshkent: Ta'lim, 2009; Худойберганова Д. Семантические и стилистические особенности конструкций уподобления в узбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1989; Ёўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008; Яқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2005; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Умуркулов З.Б. Бадиий матнда қиё ва унинг лингвопоэтик қиммати. Фил. фан. номз. дисс. – Термиз, 2020

тилда қиёслаш муносабатини ифодаловчи лисоний бирликларнинг лингвокультурологик-стилистик хусусиятларини очиб бериш ва уларни илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек ва инглиз тилларидаги бадиий асарлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини қиёслаш муносабатини ифодаловчи лисоний бирликларининг шаклий ва мазмуний хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, зидлаш, мазмуний ва прагматик таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қиёслаш муносабатини шакллантирувчи *қиёс субъекти (қиёсланувчи), қиёс эталони (қиёс стандарти), қиёс асоси (қиёс параметри), қиёс стандарт белгиси* ва *қиёс даража белгиси* каби воситалардан иборатлиги асосланган;

қиёслаш муносабати аффикс, лексик, морфологик, синтактик ва суперсинтактик бирликлар орқали ифодаланган вербализаторларни *аффиксокомпаратема, лексокомпаратема, синтаксокомпаратема, текстокомпаратема* сингари турлари умумий *компаратема* термини остида номланиши исботланган;

қиёслаш муносабатини ифодаловчи қўшма гап ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятларни ўзаро қиёсловчи содда гаплардан иборат бўлиб, ундаги зидлик ва номувофиқлик мазмунининг ифодаланишида иштирок этувчи зид маъноли сўзлар ва уларнинг ритмик-мелодик хусусиятга эга бўлиши кўрсатилган;

қиёслаш мазмунидаги синтактик бирликларнинг лисоний-маданий жиҳати турли *мақол, эртак, топшимоқ, атоқли ёзувчиларга тегишли иқтибос, бадиий асар* каби лингвокультуремалар ва *такрор, антитеза, эллипсис* каби стилистик воситалар орқали намоён бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи воситаларнинг тизимли тадқиқи натижасида эришилган хулоса ва таҳлиллар тилшуносликнинг синтаксис, морфология, стилистика, лингвокультурология ва матн тилшунослиги каби тармоқларида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар, яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар учун манба сифатида хизмат қилиши учун асосланган;

қиёслаш муносабатининг лингвокультурологик-стилистик томонларини ўрганиш учун олинган халқ оғзаки ижоди ва бадиий асарлардаги мисолларнинг таҳлили асосида уларнинг миллий-эстетик хусусиятлари янада аниқроқ очиб берилган;

тадқиқот давомида қиёсий даражанинг чуқурроқ ўрганилиши мактаб дарсликларидаги баъзи мавҳумликларга аниқлик киритишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек ва инглиз тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик

мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва инглиз тилларининг мазмуний синтаксиси, матн тилшунослиги, мазмуний майдон назарияси, когнитив тилшунослик, маданиятшунослик ва чет тилларини ўргатиш масалаларининг назарий асослари ҳақидаги маълумотларни бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан тилга систем-структур жиҳатдан ёндашувда синтаксис, матн тилшунослиги, лингвокультурология, стилистика фанларидан қўлланмалар, дарсликлар ёзишда ва махсус маъруза, илмий семинарлар ташкиллашда фойдаланилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли тизимли тилларда қиёслаш муносабатини ифодаловчи воситаларни тизимли тадқиқ этиш асосида:

диссертациядаги қиёслашнинг билиш жараёнидаги аҳамияти, тилни ўрганишдаги ўрни, ушбу муносабатни чуқурроқ ўрганишда фақат ўзбек тилида эмас, хорижий тилларда ҳам ўрганилишига ҳамда қиёслаш мазмунидаги синтактик бирликларнинг лисоний-маданий жиҳати *мақол, эртак, топшимоқ, ҳикматли сўз, иқтибос, бадий асар* каби лингвокультуремалар орқали намоён бўлишига доир таҳлил ва хулосалардан 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги мукамал ўргатиш, билиш жараёнини қиёслаш орқали такомиллаштириш, ёшлардаги ижодий ғоялар, ижодкорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, лингвомаданий дунёқарашини такомиллаштириш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари учун маърузалар тайёрлашда фойдаланилган (Ёшлар инновация марказининг 2022 йил 30 июнь/017 маълумотномаси). Натижада чора-тадбирлар режаси ва тарғибот маърузалари илмий асослар ва самарадор таҳлилий материаллар билан бойитилган;

қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гап ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятларни ўзаро қиёсловчи содда гаплардан иборат бўлиб, ундан англашилган зидлик ва номувофиқлик мазмунининг ифодаланишида антоним сўзлар иштироки, ритмик-мелодик хусусиятга эга бўлишига доир илмий хулоса ва тавсиялардан “Матн тилшунослиги” дарслигида кенг фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-317-рақамли рухсатнома) Натижада қиёслаш муносабатини ифодаловчи синтактик бирликлар хусусиятлари бўйича берилган илмий маълумотлар дарсликнинг илмий-назарий жиҳатдан мукамаллашиши учун манба бўлиб хизмат қилган;

қиёслаш муносабатини шакллантирувчи *қиёс субъекти (қиёсланувчи), қиёс эталони (қиёс стандарти), қиёс асоси (қиёс параметри), қиёс стандарт белгиси* ва *қиёс даража белгиси* каби воситалардан иборатлигига

оид маълумотлардан “Прагмалингвистика асослари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил

14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома) Натижада дарслик назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуман маърузаларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола нашр этилган. Улардан 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижаси ва уларнинг ишончлилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ва уларнинг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Қиёслаш муносабати ва уни юзага чиқарувчи лисоний бирликлар**” деб номланиб, унда қиёслаш муносабати ва унинг универсал табиати, унинг морфологик-лексик воситалар орқали воқеланиши ҳақида фикр юритилган.

Биринчи бобнинг биринчи фасли “**Қиёслаш муносабати ва унинг универсал табиати**” деб номланади, унда қиёслаш муносабатининг когнитив ва лисоний томони, уни шакллантиришда иштирок этадиган унсурлар, категориялар талқин этилган.


Инсон ижтимоий ҳаётда бирон-бир воқеликни тўлиқ тушуниши учун ушбу воқеликни бошқа воқеликка қиёслайди. Демак қиёслаш тафаккур жараёни бўлиб, у объектив дунёдаги нарса-ҳодисаларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлайди⁵. У билишда предметларнинг ўхшаш ёки фарқини кўрсатувчи фикр юритиш жараёни, тафаккур асосидир.

Билиш жараёнида сезгиларимиз орқали англашилган билим идрокни, идрокий билимлар эса тасаввурни шакллантиради. Идрок ва тасаввурдаги билимлар натижасида тушунча ҳосил бўлади. “Буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини инсон онгида яхлит акс эттирувчи тафаккур шакли

⁵ Ғозиев. Э. Психология. Дарслик. – Тошкент., 2008. – Б. 267.

тушунча“⁶, деб аталади. Айнан, тушунча пайдо бўлишида объектларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини берувчи тушунча белгилар муҳим бўлиб, у қиёслаш муносабатини онгда акс этишини таъминлайди, яъни у объектларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва муҳим белгиларини аниқлаб яхлит тарзда онгда шакллантиради. Тушунча белгилар муҳим ва номуҳим каби кўринишга эга бўлиб, айнан унда муҳим бўлган белгини аниқлаш қиёслаш муносабати ёрдамида амалга оширилади.

“Буюмларнинг маълум нисбатда олингандаги туб хусусиятларини ифодаловчи белги муҳим белги”⁷ бўлиб, у инсон онгида ушбу объект ҳақидаги фикрни шакллантиради ва бошқа объектларга қиёсланганда, асос – стандарт намуна вазифасида келади.



Демак, қиёслаш ҳақида кўп олимлар ўз қарашларига эга бўлиб, у нафақат тилшунослик фанида, балки мантиқ, фалсафа, адабиётшунослик, диншунослик каби соҳаларда ҳам ўрганилганлиги сабабли, унга қуйидаги умумий таърифни бериш мақсадга мувофиқдир:

Қиёслаш кўп аспекти мантиқий категория, фалсафий жиҳатдан у билишнинг дастлабки босқичи, объектнинг ўхшаш ёки фарқли томонлари ҳақидаги ҳукмлар асосида мужассамлашган, микдорий ва сифат хусусиятларини аниқлайдиган когнитив жараён, воқеликни бадий акс эттиришда фойдаланиладиган услуб, бирон-бир мавзу билан танишиш усули, тилшуносликда эса атроф-муҳит, нарса ёки ҳодисанинг белги, хусусиятлари ва уларнинг ўхшаш ва ноўхшаш томонларини акс эттирувчи жараёндир.

Тилшуносликда бу ҳодиса эса қиёслаш объектларнинг сифатлари, хусусиятлари, уларнинг ўзига хослик ёки фарқли белгиларини аниқлашга қаратилган тушунча, тафаккур шаклига тилнинг энг оддий бирлигидан мураккаб бирлиги орқали кириб борувчи ўзига хос категориядир.

Қиёслаш икки ва ундан ортиқ нарса - ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганувчи руҳий жараёндир⁸. Ушбу таърифдан маълум бўладики, қиёслаш муносабатининг вужудга келишида камида иккита объект маълум бир белги асосида солиштирилади ва ушбу қиёсланувчи

⁶ Хайруллаев М, Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б.103.

⁷ Юқоридаги манба. – Б. 106.

⁸ Yvonne T. Comparative Constructions: An introduction. Linguistic Discovery, Dartmouth College Library // On the expression of comparison: Contributions to the typology of comparative constructions from lesser-known languages, 2018, Vol 16. – P. 26.

объектларнинг белги ва воситалари қиёслаш муносабатининг унсурлари – элементлари ҳисобланади. Замонавий тилшуносликда, хусусан, турли тизимли тиллар ҳисобланган ўзбек ва инглиз тилларида қиёслаш жараёнида қуйидаги унсурлар иштирок этади. Уларни қуйидаги лисоний далиллар орқали изоҳлаймиз:

Ховлига киришимиз билан, бўйи мандан тикроқ...қопқора каллахум бола чопиб келди (Ўткир Ҳошимов “Икки эшик ораси”)

His room was certainly much messier than the rest of the house (J.K.Rowling “Harry Potter”)

Ушбу мисоллар орқали биз қиёслаш муносабатининг юзага чиқишига ёрдам берувчи қиёс элементларини белгилашга уриниб кўрамыз:

1.Қиёсланувчи (comparée)- қиёс субъекти – қиёсланаётган нарса (бола ва his room)

2.Қиёс стандарти (standart of comparison) – қиёс эталони- нимага асосан қиёсланаётгани (мен, the rest of the house)

3.Стандарт белги (standart marker) – қиёс стандарти грамматик функциясининг белгиси(-дан, than)

4.Қиёс параметри (parameter)-қиёс асоси – қиёсланувчи белги (тик, messy)

5.Даража (параметри) белгиси – (degree marker) – (-роқ, -er)⁹.

Қиёслаш муносабати сифат ва миқдор каби категорияларнинг синтези ҳисобланиб, у миқдор категорияси орқали қиёсланаётган объектнинг тенг ёки нотенглигини, сифат категорияси орқали ўхшаш ва ноўхшаш томонларини аниқлашга ёрдам беради¹⁰. Демак, қиёслаш муносабатида сифат ушбу жараёни амалга оширувчи асосий нисбий кўрсаткич бўлиб, инсоннинг билиш жараёнидаги дастлабки босқич ҳисобланади.Қиёслаш муносабатида фақат *сифат* ва *миқдор* каби категорияларгина эмас, балки *айнанлик*, *фарқлилик*, *зидлик* ва *қарама-қаршилик* каби категориялар ҳам иштирок этади. Масалан, оғзаки нутқда қўлланувчи “*хунук – ўртача – чиройли*” семантик (антонимик) қаторида *хунук* билан *ўртача* орасидаги муносабатда кучсиз фарқлилик, *хунук* билан *чиройли* ўртасида эса кучли фарқлилик – зиддият (зидлик) категорияси кузатилади.

“Тилларда қиёслаш муносабатини реаллаштирувчи лисоний бирликлар” деб номланган биринчи бобнинг иккинчи фаслида қиёсни ифодаловчи лисоний воситалар, хусусан, морфологик-лексик воситалар ёритилган.

Ҳар бир муайян тилда қиёслаш муносабати (ёки концепти) турли тизимли тилларда қуйидаги вербализаторлар орқали воқелантирилади:

1. Аффикслар.

2. Лексик бирликлар.

⁹ Yvonne T. Comparative Constructions: An Introduction. Linguistic Discovery, Dartmouth College Library // On the expression of comparison: Contributions to the typology of comparative constructions from lesser-known languages, 2018, Vol 16. – P.26.

¹⁰ Николаева А.В. Функционально-семантическое поле компаративности в современном английском языке : Дис. ... д-ра филол. наук. – ростов-на- Дону, 2002. – С.18.

3. Морфологик бирликлар.

4. Синтактик бирликлар:

- гаплар;

- матнлар.

Бу вербал воситалар барча тилларда универсал мақомга эга бўлиб, қиёс концептини воқелантирувчи махсус лексик-грамматик воситалар ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган вербал воситалар ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, уларни бир умумий термин, яъни “*компаратема*”¹¹ атамаси билан номлаш ҳам мумкин. Барча тилларда қиёслаш муносабатини воқелантирувчи вербал воситаларни тилнинг у ёки бу сатҳига дахлдорлигидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг қуйидаги кўринишларини белгилаш мумкин:

а) аффиксокомпаратема;

б) лексокомпаратема;

в) морфокомпаратема;

г) синтаксокомпаратема;

д) текстокомпаратема¹².

Қиёслаш муносабати турли тизимли тилларда (ўзбек ва инглиз тилларида) қуйидаги морфемалар орқали ифодаланади:

ўзбек тилида –*роқ* (*яхшироқ*); –*дан* (*уникидан яхши*); –*гунча* (*тахт бергунча бахт бер*); –*гандан* (*гапиргандан кўра*); –*га* (*Шоҳимардонга қараганда*); –*са* (*бири тегмаса, бири тегар*); –*май* (*..гапирмай, бош чайқаб кўйди*) аффикслар орқали;

инглиз тилида –*er* (*bigger - каттароқ*); –*ish* (*childish- болаларча*); –*wise* (*fatherwise - оталарча*); –*est* (*largest- энг йурик*); –*like* (*ladylike- аёлларга хос, childlike- болаларча*); –*ly* (*friendly- дўстона*) орқали.

Ушбу морфемик воситаларнинг қиёслаш муносабатини беришда ёрдамчи сўзлар ҳам иштирок этади: ўзбек тилида *кўра, нисбатан, қараганда, бўлса, эса, қадар, лекин*.

Ундан кўра устингни

Қуритиб ол, ичгин чой. (“Қизим ҳикояси” шеъри)

Инглиз тилида *while, whereas, but, as, like, unlike, as opposed to, in contrast to, in comparison with, versus, contrary to* каби ёрдамчи сўзлар қиёслаш муносабатини юзага чиқаради. Масалан,

She was doing very well, whereas Michael was either very bad or unwilling to jinx her. (J.K.Rowling “Harry Potter and the Order of the Phoenix”)

¹¹ Ушбу термин тилшуносликда дастлаб фойдаланилган *компаративные фразеологические единицы* терминига асосланган. Қаранг: Амосова Н.Н. Основа английской фразеологии. – Ленинград, 1963. – С.145; Ўзбек тилшунослигида Н.Махмудов *қиёс субъекти* ва *қиёс эталонига* нисбатан “*компарат*” атамасилан фойдаланган. Қаранг: Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик - синтактик ассимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 74.

¹² Ҳошимов Г.М, Дадабаева Ш.Ш. Қиёс концептуал семантикаси ва уни вербализаторлари хусусида //Когнитив тилшунослик ва филологиянинг долзарб масалалари. Фар ДУ. 2017. – Б.102.

Тилда қиёслаш муносабатини ифодалашда энг кўп учровчи воситалардан бири лексик воситалар бўлиб, улар ўзбек ва инглиз тилларида қуйидагича:

Ўзбек тилида *сал, биров, тича, анча, озгина, сари, сайин, тобора, яхши, ёмон, афзал, биров, қиёс, нима-ю нима, деган сўз, билан тенг, билан баробар* каби

Асарда воқеаларни қамровчи бир ҳикоя бўлса-да, англантиш тарзи аввалги маснавийларга нисбатан анча тарқоқ ва чўзиқдир. (“Мантикут-тайр” Фаридиддин Аттор)

Тилда *энг, ниҳоятда, жуда, кўп, бир поғона, бир сиқим* каби сўзлар ҳам қиёслаш муносабатини беришга хизмат қилади. Масалан,

Ҳазрат Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан эшитдимки, эзгуликнинг энг яхшиси ўз отасининг севган одамларига яхшилик қилишдур, дейдилар. (Аҳмад Муҳаммад “Ота-она ризоси”)

Инглиз тилида *contrast, difference, distinction, the contrary, opposite, reverse, unlike, compare, on the other hand* каби сўзлар, *more, less, few* каби даражани кўрсатувчи соф қиёс маъносини ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар, *lesser, much* каби сўзлардан ясалган қўшма сўзлар, *as few as, much too, more like* каби иборалар орқали қиёслаш муносабати ифодаланади.

Иккинчи боб **“Қиёслаш муносабатининг синтактик сатҳда ифодаланиши”** деб номланади. Ушбу бобда қиёслаш муносабатининг содда гаплар, қўшма гаплар ва матн орқали воқеланиши талқин этилган.

Иккинчи боб нинг биринчи фасли **“Қиёслаш муносабатини ифодаловчи содда гаплар”** деб номланиб, бу фаслда мураккаб синтактик мазмунга эга бўлган қиёсий содда гаплар ўрганилади.

Қиёслаш муносабати кўп қиррали ва барча тилларда мавжуд универсал категория бўлиб, у турли синтактик бирликлар орқали ҳам ифодаланади. Хусусан, қиёслаш муносабатини ифодаловчи содда гаплар ўзига хос мураккаб синтактик мазмунга эга эканлиги, яъни уларда икки ва ундан ортиқ пропозициялар иштирок этиши билан бошқа содда гап турларидан фарқланади. Ўзбек тилшунослигида Н.Маҳмудов М.Н.Черемисинанинг $\{A[\beta(B)]\}$ формуласидан фойдаланган ҳолда, қиёслаш муносабатининг таркибини кўрсатувчи $\{A[(B)\beta]C\}$ формулани беради¹³. Бунда *A* қиёс субъекти, *B* қиёс объекти, *C* қиёс асоси, β қиёснинг шаклий кўрсаткичини ифода этади. Ушбу формула асосида тузилган содда гаплар тилларда (ўзбек ва инглиз тилларида) қиёсий содда гаплар, деб номланиб, мазмунан икки турда шаклланади:

1. Ўхшатиш содда гаплар. (тенг мазмундаги қиёсий содда гаплар)
2. Соф қиёсий содда гаплар. (нотенг мазмундаги қиёсий содда гаплар)

Соф қиёсий содда гапларда қиёс белгиси қиёс субъекти ва қиёс эталонларига предикацияланади, аммо ушбу белги иккисида турли даражада бўлади. Қиёс асосидаги белги қиёс субъектида меъёрдан ортиқроқ ҳолда,

¹³ Маҳмудов, Н., Нурмонов, А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.92.


қиёс эталонига нисбатланади, бироқ бунда қиёс эталони ушбу белгига эга бўлмаса унда қиёслаш маъноси бўлмайди, яъни содда гапда қиёслаш мазмунини бериш учун қиёс асосидаги белги ҳам қиёс субъектига, ҳам қиёс эталонига тегишли бўлиши керак. Соф қиёсий содда гапларнинг семантик структурасида, асосан, бир предикат, икки ва ундан ортиқ субъект иштирок этади, бу предикат субъектлар учун умумий бўлади¹⁴. Демак, қиёсий содда гапда икки ва ундан ортиқ пропозиция келиб, улардан бири асосий пропозиция, иккинчиси ёрдамчи пропозиция шаклида бўлади. Масалан,

Қалб кўздан олдинроқ кўрар. (Мақол)

Ушбу лисоний далилда бир предикат *кўрар*, “*қалб кўрар*”, “*кўз кўрар*” кабилар икки пропозиция иштирок этган. Бу ерда *қалб кўрар кўз кўришидан* юқори даражада бўлганлиги учун у асосий пропозиция, *кўз кўрар* эса ёрдамчи пропозициядир. Ушбу икки пропозиция мураккаб ҳукм – конъюнктив ҳукми *қалбнинг кўздан олдинроқ кўришини* келтириб чиқармоқда. Унинг семантик формуласи ва квантатив ҳолатдаги тузилиши қуйидагича:

$$\text{Sem}C = S^1 S^2 \beta V$$

$A+B=AUB$ Бу ерда *A* – *қалб кўриши*, *B* – *кўз кўриши*, *U* – *конъюнктив ҳукм белгиси*.



Инглиз тилидаги қиёсий содда гаплар ҳам ўзига хос мазмуний синтактик тартибга эга:

You are stronger than this. (Jojo Moyes “*The girl you left behind*”)

Ушбу мисолда бир предикат “*stronger*” қиёс субъекти ва қиёс эталонига предикацияланмоқда. Бу мисолда икки ҳукм (пропозиция) мавжуд:

1. *You are strong.*
2. *This is also strong.*

Дастлабки *you are strong* пропозицияси асосий бўлиб, унда қиёсланаётган белги даражаси кўпроқ, иккинчиси *this is also strong* ёрдамчи пропозиция шаклида келиб, у *than* ифодаси ёрдамида қиёсланмоқда. Икки ҳукм мураккаб ҳукми *you are strong than this* вужудга келтирмоқда. Гапнинг семантик структураси қуйидагича:

$$\text{Sem}S = S^1 \vee \beta S^2$$

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “**Боғланган қўшма гапларда қиёслаш муносабати**” деб номланиб, унда қиёсий мазмундаги боғланган қўшма гаплар ҳақида фикр юритилади.

Қиёслаш муносабатини юзага чиқарувчи боғланган қўшма гапларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда воқеа- ҳодиса, шахс, белги-хусусиятлар бир-бирига ўзаро қиёсланувчи икки кутбга ажралган ҳолатда бир-биридан фаркланади, бир-бирига зид қўйилади ва шу тарзда ўзаро номувофиқликни ифодалашга хизмат қилади.

¹⁴Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.72-73.

*Ўзига тиз уриб қўймаса соат,
Чироқ эса - тамом, қимир этмас дор.
Хонтахта сен учун қилмоқда тоат,
Ҳамма нарса сени кутар интизор.* (И.Мирзо)

Бу нутқий парчада қиёс мазмуни “эса” боғловчи вазифасидаги сўз ёрдамида юзага чиққан бўлиб, унинг синоними “бўлса” дир.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гап компонентлари зидлов боғловчилари (*аммо, лекин, бироқ*), *бўлса (эса)* боғловчи феъллар, -у (-ю) юкламалари воситасида ҳам муносабатга киришиши мумкин.

Қиёслаш мазмунидаги боғланган қўшма гаплар тахлилига таянган ҳолда, қуйида ушбу гап турининг ўзига хос структура белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

а) “*Содда гап + содда гап*” (*Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин.* (Муҳаммад Зеҳний))

б) “*Содда гап + эргаши гапли қўшма гап*” (*Одамлар сендан қўрқадилар, мен эса ўзимдан қўрқаман, чунки сендан яхшилик, ўзимдан ёмонлик кўрганман.* (Фаридулдин Аттор “Мантиқут-тайр”))

в) “*Боғланган қўшма гап + содда гап*” (*Оғир том ердан минг азоб билан кўтариб олинади, уни ташлаб юбориш эса жуда осон, ўсиб мартабага эришиши худди тош кўтаришига ўхшайди.* (Юсуфий))

г) “*Эргаши гапли қўшма гап + содда гап*” (*Илгари шундай қилса, йиғларди, ҳозир эса – йўқ.* (Матлуба Деҳқон қизи “Ўша кун”))

д) “*Боғловчисиз қўшма гап + содда гап*” (*Аёлнинг юмалоқдан келган юзи кўм-кўк, намозиомгул атласи баданларига чилта ёпишиб қолган, ўзи эса дағ-дағ титрарди.* (Матлуба Деҳқон қизи “Ўша кун”))

Жаҳон тилшунослигида, хусусан, инглиз тилида боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплар умумий ном “*Compound sentence*” билан юритилади. Ушбу гап турининг қисмлари тенг боғловчилар (*coordinating conjunction, correlative conjunction*), боғловчи вазифасидаги равишлар (*conjunctive adverb*) ва оҳанг ёрдамида боғланади. Айнан оҳанг орқали боғланган қўшма гап мазмунан ўзбек тилидаги боғловчисиз қўшма гапга тенг бўлиб, асосан, унинг қисмлари инглиз тилида ; - *semicolon* деб номланувчи тиниш белгиси орқали ажратилади. Масалан,

You can not do everything, but you can do those few things in which you excel, the few things that can really make difference. (Brian Tracy “Eat that frog”)

Eleven get to play; the others watch. (Brian Tracy “Eat that frog”)

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “**Боғловчисиз қўшма гапларда қиёслаш муносабатининг ифодаланиши**” деб номланади.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар воқеа-ҳодисани қиёслаб кўрсатувчи содда гаплардан ташкил топади.

Проф А. Мамажонов қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гапларда экспрессивликни таъминловчи асосий восита интонация

эканлиги ва бундай қўшма гапларнинг алоҳида ритмик - мелодик хусусиятга эга бўлишини айтиб ўтади¹⁵.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасида *зидлаш, номувофиқлик* мазмуни англашилади, иккинчи содда гапнинг мазмуни биринчисига қиёсланади, биринчи содда гапдан англашилган фикр иккинчи содда гапда хулосаланади. Масалан:

Нодоннинг иши енгил,

Яхшининг иши оғир.(Мақол)

Ушбу мисолда *нодон* билан *яхши* ўзаро зид қўйилгани ҳолда, қиёслаш муносабатини юзага чиқаради.

Ушбу гап тури, асосан, мақоллардан ташкил топади ва мақолнинг иккинчи қисми тўлиқсиз гап шаклда ҳам келиши мумкин. Масалан,

Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси. (Мақол)

Иккинчи бобнинг тўртинчи фасли “**Эргаш гапли қўшма гапларда қиёслаш муносабатининг шаклланиши**” деб номланади. Бунда қиёс мазмунидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг таснифига оид муаммолар ҳақида фикр юритилади.

Қиёслаш муносабати эргаш гапли қўшма гап ёрдамида ҳам ифодаланади. Аммо қиёслаш муносабатини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар ўзбек ва жаҳон тишуносликларида баъзи олимлар томонидан турлича таснифланган. Масалан, баъзи тилшунослар қиёслаш мазмунидаги ушбу қўшма гап турини фақат ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап тарзида баҳоласа, баъзилар эса ўхшатиш ва чоғиштириш эргаш гапли қўшма гап атамаси остида изоҳлайди. Ҳатто қиёслаш маъносини ифодаловчи қўшма гапларга ўхшатиш ва чоғиштириш эргаш гапдан ташқари миқдор-даража эргаш гапли қўшма гапларни киритади, бундан ташқари, рус тилшунослигида реал, реал бўлмаган ва корреляцион қиёслаш мазмунидаги эргаш гапли қўшма гапларни берса, инглиз, хусусан, шотланд тилида ушбу гап турининг реал ҳолатни қиёсловчи, ўхшатиш, фарқлаш ҳамда билвосита қиёс мазмунидаги эргаш гапли қўшма гап турларини беради. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигига оид манбаларга таянган ҳолда ушбу гап турини икки турга, яъни ўхшатиш ва фарқлаш мазмунидаги эргаш гапли қўшма гапларга бўлиш энг тўғри ва осон йўлидир.

Иккинчи бобнинг бешинчи фасли “**Тилда қиёслаш муносабатининг суперсинтактик бутунлик орқали намоён бўлиши**” деб номланиб, унда қиёсий мазмундаги матнлар, хусусан, чоғиштириш мазмунидаги матнларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Қиёслаш муносабатидаги ССБни, дастлаб, икки турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўхшатиш мазмунидаги ССБ.
2. Чоғиштириш мазмунидаги ССБ.

¹⁵ Мамажонов А. Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари. Док.дисс. – Тошкент, 1991. – Б.159.

Ўхшатиш мазмунидаги матнлар олимлар томонидан ўрганилганлиги туфайли тадқиқотимизда чоғиштирма мазмунидаги матнлар таҳлили кўрсатилади.

Чоғиштириш мазмунидаги ССБларда икки фикр ўзаро қиёсланиб, мазмунан улар бир-бирига зид қўйилади, фарқланади. Бунда *антитеза* ва *фарқлаш* каби стилистик ҳодисалар иштирок этади. Айнан антитеза ҳодисаси ва фарқлаш стилистик воситаларнинг иштирокига асосланган ҳолда чоғиштирма мазмунидаги ССБларнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Зидлантирувчи чоғиштирма мазмунидаги ССБ.
2. Фарқловчи чоғиштирма мазмунидаги ССБ.

Қуйидаги жадвалда турли тизимли тилларда уларнинг таҳлилини кўриб чиқамиз:

Ўзбек тилидаги зидлантирувчи чоғиштирма мазмунидаги ССБ	Инглиз тилида зидлантирувчи чоғиштирма мазмунидаги ССБ
